

Тавба ва истиғфор (4-қисм)



18:58 / 27.03.2018 5203

Иккинчи қисм. Фаҳш тарқатиш, пок эркак-аёлларни зинода айблаш, бир аёлга уйланиш мақсадида унинг эри билан орасини бузиш, зино қилиш, зинога ёрдам бериш, баччавозлик, ҳайз ва нифос кўрган аёлга яқинлик қилиш, орқага яқинлик қилиш, ҳайвонга яқинлик қилиш, даюслик, мутъа никоҳи, бичилиш, эр-хотин орасидаги хос ишларни одамларга сўзлаб бериш, аёлларнинг очик-сочик юриши, хотиннинг эрга итоатсизлик қилиши, авратни очиб юриш, хотинидан бошқага шаҳват назари билан қараш, соқол-мўйлови ўсмаган болага шаҳват назари билан қараш, номаҳрам аёл билан холи қолиш, аёл кишининг маҳрамсиз ҳолда иффат-номуси топталиш хавфи бор йўлга сафарга чиқиши, номаҳрам эркак-аёлларнинг қўл бериб сўрашиши, номаҳрам аёлнинг баданига заруратсиз тегиш, аёлларнинг ўзини эркакларга, эркакларнинг ўзини аёлларга ўхшатиши, соч улаш, қош териш, вaшм (татуировка), тамға босиш, чирой учун тишнинг ораларини очтириш, Аллоҳ яратган хилқатни ўзгартириш, ҳайвонларнинг қулоғини кесиш, насаби Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга боғланишини ёлғондан даъво қилиш, ўз пушти камаридан бўлган фарзандини билиб туриб тан олмаслик, билиб туриб отасини тан олмаслик ёки бошқа кишини отам деб даъво қилиш, зинодан орттирганини эрига тақаш, бировнинг боласини ўзиники деб даъво қилиш, ваколоти ва имконияти бўла туриб амри маъруф ва наҳий мункар қилмаслик, мункар ишга рози бўлиш, маъсиятга ёрдам бериш, маъсиятга буюриш, маъсиятга мажбурлаш, Аллоҳ яширган маъсиятни ошкор қилиш, қилган маъсиятидан

фахрланиб, гапириб юриш, одамларнинг молини ботил йўл билан ейиш, (жумладан, етимнинг молини), рибохўрлик, рибога воситачи ёки гувоҳ бўлиш, ўғрилик, қароқчилик, талончилик, ўлжага хиёнат қилиш, пора олиш ва бериш, фирибгарлик, молнинг айбини яшириш, молни ўтказиш учун ёлғон қасам ичиш, молни ҳаддан зиёд қимматга сотиш, тарозидан уриб қолиш, егуликларни эҳтикор қилиш, эҳтиёжи бўлмаса ҳам одамлардан пул сўраш, ишчининг ҳаққини ейиш, ер чегаралари ва белгиларини ўзгартириш (жумладан, ажратилган ерларнинг чегарасини ўзгартириб, ҳақ-ҳуқуқларни зое қилиш, йўл белгиларини ўзгартириб, мусофирларни адаштириш), йўлтўсарлик, ҳур одамни сотиб, пулини еб юбориш, меросхўрни, хусусан аёл кишини меросдаги ҳаққидан маҳрум қилиш, бировнинг мол-мулкани ноҳақ равишда олиб, ноҳақ одамга бериб юбориш, қимор ўйнаш (лотерея ва шу кабилар).

Аллоҳим, нафсларимизнинг ёмонлигидан Ўзинг паноҳ бер!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси